

Шарафиддин Али Яздий Марказий Осиё, Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV ва XV аср бошларидаги тарихидан бахс юритувчи машхур «Зафарнома» асарининг муаллифи сифатида тарих зарваракларида мангу мухланган муаррихлардан бўлиб, унинг хаёти ва фаолияти асосан XV асрнинг биринчى ярмига тўгри келади.

Шарафиддин Али Яздий Эроннинг Язд шахрига карашли Тафт мавзеида (Тафт-и-Язд деб хам аталган), тахминан XIV асрнинг охирги чорагида тугилган. Унинг таржимаи холи хакидаги маълумотлар ўз асарлари ва замондошларининг асарларида келтирилган далиллар-дан иборат. Унинг отаси — Шайх Хожи ўз даврининг йирик олимларидан саналиб, тарикат ахли — сўфийлар билан хамфикр бўлган. Манбаларда айтилишича, Шарафиддин Али хам ёшлигига Язд сўфийлари билан якин алокада бўлган.

Шарафиддин Али Яздийнинг бундан кейинги фаолияти хакидаги маълумотлар, унинг Шерозда Темурийлар саройида хизматда бўлганлиги билан boglik. Шоҳруҳнинг ўғли Мирзо Иброҳим Султон 1414 йили отаси томонидан Эроннинг Форс вилоятига (маркази Шероз) хоким килиб тайинланади. 1435 йилгача Шарафиддин Али ана шу шахзоданинг саройида хизмат килади.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, Шарафиддин Алидан колган илмий-адабий мерос, адабиёт ва тил услуби, шеърият назарияси, илми нужум, фалсафа, тасаввуфнинг назарий масалалари бўйича ёзилган асарлардир. «Шараф» тахаллуси билан шеърлар ёзганлиги хам маълум.

Яздийнинг 1446 йили Хиротга келгани, бу ердан Самаркандга Улугбек хузурига борганлигини хам тахмин килиш мумкин бўлса-да бирок бу узок вакт давом этган эмас. Афтидан, Шоҳруҳ вафотидан (1447) кейин тез орада Шарафиддин Али ўз ватани Тафтга кайтиб келади ва бу ерда хонакохга жойлашиб, умрининг охиригача шундай яшайди. У хижрий 858 (1454) йили вафот этади, шу хонакохга дафн этилади.

Шарафиддин Али Яздий каламига мансуб илми нужум, шеърият ва тарикат назариясига оид бир канча асарлар борки, уларни бирма-бир санаб ўтишни лозим топдик:

1. «Хулал-и мутарраз дар муаммо ва лугаз» («Муаммо ва топишмоклар борасида безакли жома»).
2. «Мунтахиб-и Хулал» (Мазкур асарнинг кискартирилган баёни).
3. «Мавотин ё манозир дар муаммо» («Муаммо фанида тураг жой ва манзаралар»).
4. «Кунх уз-зод дар илм-и вакф-и аъдод» («Ададлар мувофиқлиги илмида хакикат чўккиси»).
5. «Ал-Китоб фи илм-и устурлоб» («Устурлоб илми бўйича китоб»).
6. «Девон-и Шараф-и Яздий» («Шарафи Яздийнинг шеърлар тўпла-ми»).
7. «Хакойик ат-тахлил» («Тахяил, яъни «Ло илоха илла-л-лох» нинг хакикатлари»).
8. «Шарх-и «Касида-и бурда»» («Касида-и бурда»нинг шархи).
9. «Шарх-и «Асамо-и Аллох»» («Аллох исмлари»нинг шархи»).
10. «Тухфат ул-факир ва хадят ул-хакир» («Факирнинг тухфасию хакирнинг хадяси»).

11. «Муншаот» («Хатлар тўплами»).
12. Махсус номга эга бўлмаган, аммо Амир Темурнинг тарихини шеърий баён этилган асар.

Ушбу асар номларидан кўриниб турибдики, Шарафиддин Али Яздий ўз даврининг анчагина билимлари бўйича озми-кўпми маълумотга эга бўлган. Шунинг учун хам у Темурий шахзодалар саройида хизматга таклиф этилиб, замондошлари орасида маълум даражада шухрат козонган. Унинг тарихнавислик фани намояндадари каторидан ўрин эгаллашига сабаб бўлган «Зарафнома» асарининг битилиш тарихи хам муаллифнинг ўз даврининг етакчи муаррихларидан бири бўлганлигини кўрсатиб турибди.

«Зарафнома» асари — «Фатхномайи сохибкорон», «Тарихи жаҳокушои Темурий» деган номлар билан хам аталади, лекин тарих фанида у кўпроқ «Зафарнома» номи билан машхур. Асар тузилиши жихатидан икки кисмга: Темурдан олдинги давр тарихидан умумий тарзда сўзловчи «Муқаддима» ва бевосита Темур даври тарихини ёритувчи асосий кисмга бўлинади. Хар бир кисм учун алоҳида-алоҳида ёзилган, кўп жихатдан муштаракликка эга бўлган сўз бошиларда мазкур кисмларнинг ёзилиш тарихини ёритиб беради. У хар икки кисм хам Шоҳрухнинг ўгли Иброҳим Султоннинг ташаббуси билан ёзилди, деб кўрсатади.

Муаллифнинг таъкидлашича, Иброҳим Султон ўз бобоси Амир Темур хакида махсус китоб ёзилишини ният килган ва хижрий 822 (1419-20) йилда ўз вактида бахший ва муншийлар томонидан Темур хакида туркий, форсий тилларда ёзиган колдирилган мавжуд маълумотларни йигиб келтириш хакида фармон чикарган. Бу иш амалга ошгандан сўнг мазкур маълумот-хужжатларни ўрганишга киришилган.

«Муқаддима»да бу хол куйидагича баён этилган: «Тўпланилган маълумотлар воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишилар хикояси билан таккослаб бўлингач, бу маълумотлар билан Шарафиддин Али танишиб чикиб, Иброҳим Султонга ахборот бериши лозим бўлган. Иброҳим Султон маъкуллагандан кейин эса Яздий «Муқаддима»ни тузишга киришган».

Темур давридан бахс этувчи кисм — «Зафарнома»нинг бош сўзбошидан куйидагиларни билиб оламиз: «Подшохликнинг барча томонларидан Темур хакидаги туркий ва форсий тилларда баён килинган хикояларнинг хамма шеърий ва насрый нусхалари тўпланиб бўлингач, маълумотлар билан танишиш учун учта гурух тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гурухни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса бир гурухни ташкил этганлар. Даствор Темур хакидаги хар бир хикоя ўқилган, агар унинг мазмуни воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишининг талкинига тўғри келмай колса, Иброҳим Султон хакикатни тиклаш учун турли шахарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеани Темурнинг яна бошка замондошларидан суриштирган ёки кўшимча маълумотлар тўпланган. Ана шу кўшимча гувоҳлар хикоятларини хам тинглагач, Иброҳим Султон айтиб турган ва котиблар ёзиган борган. Шу тарзда асарнинг дастворлабки хома-ки нусхаси тузиб чиқилган. Сўнг ана шу хомаки нусха асосида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарини ёзган. Иброҳим Султоннинг катъий буйругига асосан китобни ёзиш вактида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ўлчовлари хакидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилиши лозим бўлган. Шарафиддин Али Яздийдан эса асарни

жонли тил билан тушунарли килиб ёзиш талаб этилган ва шунингдек, хужжатларга катъий риоя килиши, Иброхим Султоннинг бевосита шахсий назорати остида тузилган дастлабки хомаки ёзувдан асло четга чикмаслиги хамда хеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги шарт килиб кўйилган».

«Зафарнома» асарини ўқир эканмиз, Шарафиддин Али Яздий далилий маълумотларни келтириш борасида хакикатан хам Иброхим Султон кўйган шартларга риоя килганлигини кўрамиз. Бирок бу шартни асарнинг тил услуби, айрим шахсларнинг сифатларини хаддан зиёд тавсифлаш холларига нисбатан риоя килинган деб бўлмайди. Асар тил услуби жихатидан форс тилининг ўша XV аср адабий услубини мукаммал билган саводхон учун мўлжалланган, хатто уни ўз даври учун тарихий воеалар асосида ёзилган бадиий асар сифатида хам кабул килиш мумкин.

Асарнинг «Муқаддима» кисмини Шарафиддин Али Яздийнинг ўзи «Тарихи жаҳонгир» деб номлаган, лекин фанда «Муқаддима» номи билан машхур ва «Зафарнома»нинг ажralmas кисми хисобланади. Шу билан бирга, хажми катта бўлганлиги туфайли бўлса керак, кўлёзма нусхалари алоҳида мустакил асар сифатида хам таркалган. У сўзбоши, икки фасл ва хотимадан иборат.

«Муқаддима»дан кўзда тутилган максад Темур шажарасини баён этиш ва унинг ўзидан олдин ўтган хукмдорлардан давлат арбоби ва лашкарбоши сифатидаги устунлигини исботлаб беришдан иборатдир. Шу муносабат билан муаллиф туркий кабилаларнинг келиб чикиш тарихи ва Чингизхоннинг тўрт улус тарихини, XIV аср биринчи ярмида Марказий Осиё ва унга кўшни мамлакатлардаги сиёсий вазиятни баён этади, таркоклик ва ўзаро урушларнинг кучайишини ва бу хол Мовароуннахрда марказлашган давлат тузган Темурнинг тарих майдонида пайдо бўлишига бир кадар шарт-шароит яратилганлигини кўрсатиб беради. Шу нуктаи назардан караганда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»га Темур даври тарихидан ташкари, ундан олдинги асрлардаги тарихни хам (гарчи умумий тарзда бўлса хам) киритиши тасодифий эмас.

«Зафарнома» асарининг асосий кисми эса муаллифнинг дастлабки режасига кўра, учта маколадан иборат бўлмоги лозим бўлган. Биринчи макола Темурга, иккинчиси, унинг ўгли Шоҳрухга ва учинчиси, Шоҳрухнинг ўгли ва Шарафиддин Али Яздийнинг хомийси Иброхим Султонга багишланиши кўзда тутилган. Бинобарин, «Зафарнома» асари факат Темурнигина эмас, балки Темурий шахозадалар Шоҳрух (1405—1447) ва Иброхим Султон (1414—1435) лар хукмронлик даври тарихини хам ёритиши керак бўлган. Бирок «Зафарнома»нинг хозирда, фанда маълум бўлган кўлёзма нусхаларида кейинги икки макола йўқ, улар ёзилмаган ёки бизгача етиб келмаган.

Шарқ тарихнавислигининг энг нодир ёдгорликларидан бири ва Амир Темур даври тарихининг бирламчи манбаларидан бўлган «Зафарнома» узок вактдан буён шаркшунос тадқикотчилар диккатини ўзига жалб этиб келмокда. Далилий маълумотларнинг тўликлиги хамда ишончлилиги туфайли у ўша давр манбалари орасида ханузгача мухим ўрин эгаллади.

XV ва XVI асрларда «Зафарнома» қаҳрамонлик киссаси жанрида икки марта шеърий йўл билан ўзбек тилида Лутфий, форс тилида Абдураҳмон Жомийнинг жияни Хотифий

(вафоти — 1521) томонидан куйланган эди. XVI аср бошларида Шайбонийларнинг дастлабки вакилларидан Кучкунчихон (1510—1530) топширигига мувофик Мухаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий томонидан «Зафарнома» ўзбек тилига таржима килинган. Адабиётларда Хофиз Мухаммад ибн Ахмад ал-Ажамий томонидан асарнинг турк тилига таржима килинганлиги хакида хам маълумот бор. Булардан ташкари «Зафарнома» 1822-1823 йилларда Хивада Худойберди ибн Кўшмуҳаммад Сўфи ал-Хивокий томонидан ўзбек тилига кискартириб таржима килинганлиги хам маълум.

XVIII асрдан бошлаб «Зафарнома»нинг айрим кисмлари француз (Пети де ла Кроа, 1713), инглиз (Ж. Дарби, 1723) ва рус тилига хам таржима килинган. Асарнинг форсча матни эса 1887—88 йилларда Калькуттада (Хиндистон), 1958 йили Техронда (Эрон) чоп этилган. Бирок бу нашрларда асарнинг «Муқаддима» кисми хамда зарурий кўрсаткичлар берилмаган. 1972 йили Тошкентда асарнинг хар икки кисмини камраган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шаркшунослик институтида сакланаётган 4472-ракамли кўлёзманинг факсимил нашри амалга оширилди. Бунда тарихий манбалар илмий нашри учун зарурий бўлган сўзбоши ва турли кўрсаткичлар билан бирга асар матнининг хар хил нусхалари ва нашрлари орасидаги фарклар хам кайд этилди.

Кейинги йилларда Шаркшунослик институтида «Зафарнома»ни хозирги ўзбек тилида илмий изохпи таржимасини нашрга тайёрлаш устида ишлар олиб борилмокда. Асарнинг кичик бир кисми соҳибкiron Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан, 1994 йилда чоп этилди.

А. Ўринбоев